СОВЕТ ХАРБИЙ ҚЎШИНЛАРИ ТАРКИБИДА “ОРҚА ҚЎШИНЛАР”НИ ТАШКИЛ ТОПИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ САБАБЛАРИ

Шоирахон Асқаровна Қамбарова
Қўқон ДПИ Тарих кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ишчи ва деҳқонлар Қизил армияси қўшинлари таркибида мавжуд бўлган “орқа қўшинлар”га совет тарихшунослигида “ёд унсур”лар, “хақсизлар” номи билан тилга олинган кишилар қатлами жалб қилинган. Уларнинг харбий ҳизмат чоғидаги машғулотлари, яшаш шароити ва ҳатто озиқ-овқат билан таъминланиши ҳам оддий қўшин аскарлариникидан фарқ қилган. Мақолада ана шундай маҳсус қўшинларда ҳизмат қилган аскарларни ижтимоий аҳволи ва аянчли тақдири ёритилган.

Калит сўзлар: савдогарлар, даллоллар, руҳонийлар, собиқ полициячилар, жандармлар, меҳнатсиз даромад ҳисобига яшовчилар, РСФСР конституциясининг 65- моддаси, конституция, сайлов ҳуқуқи, сайлов ёшига етган, мудофаа иншоатлари,Маҳрум қилинган, мажбурий меҳнат.

SOCIO-POLITICAL REASONS FOR THE FORMATION OF "BACK ARMIES" IN THE SOVIET MILITARY ARMY.

Shoirakhon Askarovna Kambarova
Senior teacher of Department of History, Kokand state pedagogical institute

ABSTRACT

The "back troops" in the Red Army of workers and peasants involved a layer of people in Soviet historiography called "foreign elements", "unrighteous." Their training, living conditions, and even the provision of food during their military service were different from those of ordinary soldiers. The article describes the social status and tragic fate of soldiers who served in such special forces.

Keywords: traders, brokers, priests, former police officers, gendarmes, people living on unearned income, Article 65 of the Constitution of the RSFSR, the Constitution, the right to vote, the age of voting, defense facilities, forced labor, cleansing, “Punishment Troops”.

КИРИШ

Тарихдан маълумки совет хукумати ташкил топганидан парчалангунгача ўтказилган турли кўринишдаги қатағонларда синфийлик тамоили етакчи белги

бўлиб келди. Совет хокимияти ташкил топган дастлабки даврларданоқ “ёд унсурлар” ҳисобланган “меҳнатсиз даромад топувчи”лар турли кўринишдаги мажбурий меҳнатга жалб қилиб келинди.

1926 йил 26 ноябрда қабул қилинган “Шаҳар ва қишлоқ советларига сайловлар ва Совет Съезди чақириқлари”тўғрисидаги йўриқноманинг 15-бандида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг гуруҳлари санаб ўтилган[1]. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан наф кўриш мақсадида ўзгалар меҳнатидан фойдаланувчилар, меҳнатсиз даромад ҳисобига яшовчилар, савдогарлар, даллоллар, руҳонийлар, собиқ полициячилар, жандармлар махсус корпуси ва соқчилар бўлимларининг агентлари, Россия ҳукмдорлари оиласи аъзолари, ақли норасо деб белгиланган тартибда тан олинган шахслар ва васий назорати остида бўлганлар, ғараз мақсадларда жиноят қилганлиги учун жазога ҳукм этилганлар маҳрум этилди[2]. Совет тузими даврида “хақсизлар” деб ном олган қатлам вакиллари маҳсус “орқа қўшин”ларда ҳизматни ўташга мажбур эдилар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маҳсус қўшинлар хақида 1920-1930 йиллар тарихшунослигида деярли ёзилмади. Мавжуд ишларда ҳам орқа қўшинлари мавзуси қўшинларни тўлатиш борасидаги тортишувлар(чақирувлар ихтиёрий ёки мажбурий бўлиши керакми) асносида ёритилди. КПССнинг 1956 йилги XX съездининг ёпиқ мажлисида Н.С. Хрущев қилган “Шахсга сиғиниш ва унинг оқибатлари” мавзусидаги маърузасидан кейин сиёсий қатағонлар масаласида маълумотлар бериш бошланган бўлсада “орқа қўшинлари” мавзуси ёпиқ қолди. Гарчи, 1920-1930 йиллар бошлари оралиғидаги “қулоқлаштириш”, “мажбурий кўчкиндилар”, сиёсий “тозалов”лар масаласи ошкор қилинмади. И.В.Сталин шаҳси қоралангани билан мафкура ўзгармаган ва И.В.Сталиннинг синфий тенгсизликка қарши кураши унинг ижобий сифати дея эътироф этилиши мумкин эди. Шу сабабли ҳам юқоридаги мавзулар атайин эътиборсиз қолдирилди. А.И. Солженицыннинг «Архипелаг ГУЛАГ» асари Сталин қатағонлари борасида одамлар қарашларини остун-устун қилиб юборди[3]. Мавзуга оид архив хужжатларидан фойдаланиш имкониятларининг пайдо бўлиши билан 1990-йиллар бошларида Л.Гордон, Э.Клопов, С.А. Красильников, М.С. Саламатова, В.В. Цаплинлар мавзуга оид ишларини эълон қилдилар. Аммо уларда мавзу бутун СССР миқёсида ёритилган бўлиб, уларда мавзу юзасидан умумий маълумотлар берилган. Ўзбекистонлик фуқароларнинг “орқа қўшинлари” таркибида хизмат қилишга мажбур бўлган қатламининг ахволи ва тақдири хақида тарихчилар Қ.Ражабов, Э.Ражабов, З.Эшонхўжаевларнинг асарларида айрим маълумотлар учрайди. Мақолани тайёрлаш жараёнида илмий билишнинг тарихийлик, холислик тамойиллари ҳамда қиёсий таҳлил, муаммоли-

хронологик, объективлик, тузилмавий тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

НАТИЖАЛАР

“Орқа қўшинлар” мавзусига 1920-1930 йиллардан- 1980 йиллар оралиғида ҳам етарлича аҳамият берилмади ва ёритилмади. Фақат 1990 йилларга келиб СССР парчалангач мустақил Республикаларда янги харбий тизимни барпо қилиш ва ривожлантириш заруриятининг пайдо бўлиши харбий тузилмалар ва соҳа ходимлари тарихини ўрганишга эхтиёжни пайдо қилди. Шу муносабат билан Совет хукумати ташкил топган дастлабки даврдан 1937 йилгача мавжуд бўлган “орқа қўшинлар” тарихини ўрганишга қизиқиш ва эхтиёж пайдо бўлди. Шу мавзудага оид тадқиқотларда эътиборга лойиқ маълумотлар эълон қилинди[4]. “Орқа қўшинлар” 1918-1937 йилларда мавжуд бўлган харбий қўшин тури бўлиб, унга совет қўшинлари таркибига чақирилмайдиган синф вакиллари-“меҳнатсиз даромад олувчилар”-қулоқлар, задагонлар, диндорлар ва бошқалар жалб қилинган. Дастлаб кўнгиллилардан тузилган “Қизил армия” фуқоролар уруши даврида қўшимча кучларга эхтиёж сезди. Шунинг учун ҳам совет хукумати унинг таркибини мажбурий чақириқ эълон қилиш билан тўлдирди. Биринчи “Қизил армия” таркибига чақириқ 1918 йилда қабул қилинган биринчи совет конституциясининг 19-банди билан мустаҳкамлаб қўйилди. Унга кўра : совет хукумати барча фуқороларга инқилобни қўлида қурол билан ҳимоя қилиш имкониятини тақдим қилади. Бу имкониятдан фақат ишчи-меҳнаткашлар синифи вакилларигина фойдала олади. Меҳнатсиз даромад эвазига кун кўрувчи элиментлар эса бошқа харбий ҳизматларга сафарбар этилиши айтилган[5]. Барча “ёд унсурлар” ёки бошқача айтганда “хақсизлар” “орқа қўшинлари”га чақирилган. “Орқа қўшинлар” аскрларидан фуқоролар уруши йилларида турли харбий ва фуқоролик иншоатларини қуришда фойдаланишган[6]. 1923-1924 йиллардан бошлаб уларни харбий соҳадан ташқари ишларга кенг жалб қилинди.1925 йилда ўтказилган харбий соҳадаги ислоҳатлар натижасида мамлакатда харбий ҳолат барқарорлашганлиги туфайли “орқа қўшинлар”нинг мавжудлиги мақсадга мувофиқ эмас деб топилди. Ўша давр қонунларига кўра чақирув ёшидаги фуқоролар харбий хизматга олинганида “ёд унсур”ларга мансуб деб топилган ёшлар “орқа қўшинлари”га олиниши лозим эди. Аммо уларга энди эҳтиёж йўқлиги учун шу қимсларда ҳизмат қилиши керак бўлган фуқороларга алоҳида харбий солиқ жорий этилди. Бундай солиқлар миқдори молия бўлимлари тамонидан белгиланиб ҳолатга қараб даромад солиғига тенг ёки унинг ярми миқдорида белгиланар эди. Орқа қўшинларида ҳизмат қилиши лозим бўлган фуқоролар алоҳида харбий рўйҳатга олинган. Уларга харбий билет ўрнига уларга “оқ билет” (оқ рангли бланкдан фойдаланилган)лар берилган. 30-

йилларга келиб мамлакатдаги саноатлаштириш сабабли 1931 йил 7-декабирдаги “Орқа қўшинлари таркибидаги фуқороларнинг меҳнатларидан фойдаланиш” тўғрисидаги СССР МИК ва ХКСнинг қарори қабул қилинди[7]. Унга мувофиқ бу қўшин таркибида бўлган фуқоролар СССР чегараларида стратегик аҳамиятга эга бўлган мудофаа иншоатларини барпо қилишга юборилган. Бундай қисмлардаги ҳизмат муддати уч йил бўлиб, яхши ҳизматлари билан ўзини намоён қилган ёшларга ҳуқуқлари қайтарилган. 1933 йил 1-феврал ҳолатига кўра СССР “орқа қўшинлари” таркибида 42000 киши ҳизмат қилган. 1934 йил январ ҳолатига кўра шундай қисмларда ҳизмат қилаётганлар чони 47,3 минг кишини ташкил этган. Армияга чақириқ ўрнига хақсизларнинг фарзандлари “орқа қўшинлар”га рўйҳатга олинган. Киров райони (ҳозирда Фарғона вилояти Фурқат тумани ҳудудига тўғри келади. Ш.Қ.) нинг 1932 йил 22-февралдаги йиғилиш қарорига кўра шу куннинг ўзидаёқ 1909 йилда туғилган қулоқ ва сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган “ҳақсизлар”нинг болаларини рўйҳатини шакиллантириш ва уларни район мелициясига топшириш колхоз правлениялари раисларига юклатилган[8]. Харбий ҳизмат вақтида тозаловлардан ўтмаган ва харбий қисмлардан қайтариб юборилган фуқоролар “орқа қўшинлари” қисмларига рўйҳатга олинган. Андижон Округ Харбий комиссариати Округ харбий комиссари Симирнов имзоси билан Андижон шаҳар совети раисиига юборилган маҳфий хатида илова қилинган рўйҳатдаги фуқороларни ҳужжатда кўрсатилган сабабларга кўра “орқа қўшинлар”га рўйҳатга олиш учун сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш сўралган[9.8]. Илова қилинган рўйҳатдаги жадвал 5 та бўлимдан иборат бўлиб, тартиб рақами, фуқороларнинг исми-шарифи, яшаш манзили, қайси харбий қисмдан бўшатилгани ва бўшатилиш сабаблари кўрсатилган. Рўйҳатда 5 нафар фуқоро рўйҳати келтирилган бўлиб, уларнинг 4 нафари европа миллатига мансуб, 1 киши маҳаллий миллат вакили. Рўйҳатда берилганларнинг барчаси Андижон шаҳрида истиқомат қилишган. Уларни ҳуқуқидан махрум қилишни асослаш учун, “ижтимоий ёд унсур”, “ҳақсизнинг боласи, синфий душман ва ижтимоий ҳавфли”, “қулоқнинг боласи”, “ресторан эгасининг боласи” каби айбловлар ёзилган[9.10]. Юқоридаги каби шаҳслар ҳарбий ҳизмат вақтида ўзларининг сайлов ҳуқуқларини тиклашни сўраб мурожаат қилишган. ЎзССР МИКининг Манжара раислигида 1933 йил 2-декабрдаги ҳақсизлар шикоятларини ўрганувчи комиссиянинг 11-сонли протоколида “Орқа қўшинлари”да ҳизмат қилаётган 3 та харбий ҳизматчининг шикояти кўриб чиқилган. Ушбу ҳизматчилар ҳақида Капустянский маъруза қилган. Шикоятчиларнинг 2 нафари ҳақида полк командиридан тавсифнома (Ш.Қ.-характеристика) сўралган. Усмонов Рашитни сайлов ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги тмурожаати юзасидан қуйидаги маълум қилинган: полк командирининг берган маълумотномасига кўра Усмонов Рашит

сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган. Ушбу ҳарбий бўлимга юборилишига сабаб-азончи (Ш.Қ. сўфи)нинг ўғли бўлганлиги экани таъкидланган. Масалага ойдинлик киритилгач бу масала ҳал бўлган деб ҳисобланган[10.150]. Ўзбекистон 58-Баталионинг тылоополченеци Г.Я.Логвиннинг хуқуқини тиклашни сўраб 1933-йил 21-ноябрда ЎзССР МИК Советига қилган мурожаати ижобий қондирилган ва ушбу фуқаронинг сайлов ҳуқуқи тикланганлиги хақида ЎзССР МИК Советининг 10-сонли баённомасидан кўчирма берилган[10.15]. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатлари ҳам учрайди. ЎзССР МИК Советининг 1930 йил 3-июндаги йиғилиши баённомасидан олинган кўчирмада Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган кишиларни Далварзин қурилишидаги ҳашар ишларига сафарбар қилиш тўғрисидаги Андижон шаҳар шўроси президиюмининг 1930 йил 24-чи апрелдаги қароридан кўчирма эшитилган. Йиғилиш қарорига кўра Андижон шаҳар шўроси президиюмининг ҳақсизларни Далварзин қурилишга ҳашар ишларига жалб қилиш ҳақидаги қарори бекор қилинган[11]. Прократура органлари ушбу масала юзасидан ўз вақтида чора кўрмаганликлари таъкидланган. Прокуратурага округ президиум йиғилишларида иштирок этиш ва қабул қилинаётган қарорларни назорат қилиш вазифаси юклатилган.

“Орқа қўшинлар” таркибида ҳизмат қилаётган фуқороларнинг ҳизмат жараёнидаги ижтимоий аҳволи ҳам бошқа қўшинларда ҳизмат қилаётган тенгдошларидан фарқ қилган. Уларни асосан темир йўллар қуриш ёки кон ишларига жалб қилинган. Улар кўпинча шошилинч қурилган зах баракларга жойлаштирилган. Уларга бериладиган озиқ-овқат ҳам бошқа аскарларникидан фарқ қилган. Масалан оддий қисм аскарларига биринчи таом сифатида гўшли шўрва, иккинчи таомга катлет ва ширинлик берилса, орқа қўшинларидаги аскарларга биринчи таом сифатида кўпинча крам шўрва, иккинчи таомга эса картошка ва балиқ берилган. 1937 йилларга келиб мамлакатда “хақсизларнинг” сони камайиши “орқа қўшинлар” сонининг камайишига сабаб бўлди. 1936 йил 25 ноябрда қабул қилинган СССР Конституциясининг 135 моддасида барча ҳақсизларнинг сайлов ҳуқуқлари тиклаш айтилади[12]. Ушбу моддада 18 ёшга етган, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, мулкка эгалик ҳолати ва ўтмишдаги фаолиятидан қатий назар депутатларни сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Ақли заиф ва суд тамонидан сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган кишилар бундан мустоасно эканлиги айтиб ўтилган. Шунга асосланиб Халқ комиссарлигининг 1937 йил 20 февралдаги қарорига мувофиқ “орқа қўшинлар” бутунлай тугатилди[13]. Унинг ўрнига “қурилиш қисм”лари ташкил этилди.

МУҲОКАМА

“Орқа қўшин” давр расмий хужжатларида ҳам (Масалан: № 604. Декрет Совета Народных Комиссаров. О тыловом ополчении. | Проект «Исторические Материалы» istmat.info/node/30705), кейинги давр тадқиқотларида ҳам “Тыловое ополчение” номи билан тилга олинади. Мақолада ушбу қўшин турини “орқа қўшинлар” деб атадик. Рус тарихчиси Д.Д. Миненковнинг фикрича“Ополчение” –асосий қўшинга ёрдамчи куч сифатида ташкил қилинган бўлиб, унга кириш ихтиёрий бўлган. Бу қўшин турида совет тузими ўрнатилгунга қадар доимий қўшин таркибида бўлмаган ёки ёши сабабли қўшин таркибидан чиқарилган фуқоролар олинган[14]. Ишчи ва деҳқонлар Қизил армиясига чақирилмайдиган 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган фуқоролар “орқа қўшинлар”га чақирилган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак синфийлик тамойили барча соҳаларда бўлгани каби совет харбий қўшинлари сафида ҳам сақланиб қолган эди. Натижада уч йиллик оғир мажбурий ҳизматдан омон қолиш учун чақириқ ёшидаги йигитлар ҳуқуқларини тиклаб, “қора рўйҳат”дан қутилишга ҳаракат қилганлар. Хизматга чақирилганлар эса шароитнинг оғирлигига қарамасдан ҳизматни ўташга мажбур эдилар. Чунки “қочоқ”(дезертир) тамғасини олиш уларни ҳуқуқларини тиклаб, ҳақсизлар рўйҳатидан ўчирилишларига бўлган умидни йўққа чиқарар эди.

REFERENCES

1. Орлов А.С., Георгиева Н.Г., Георгиев В.А. Исторический словарь. 2-е изд. М., 2012,-С. 284. ponjatija.ru/node/3383
2. Тошқулов Ж. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 27-б.
3. Солженицын А.И. Малое собр. соч. М., 1991. Т. 5-7
4. Красильников С.А., Миненков **Д.Д.** Тыловое ополчение как элемент системы принудительного труда: этап становления (1930–1933 гг.) //Гум. науки в Сибири. 2001. № 2. С. 41–46;
5. Миненков Д.Д. Политические аспекты и правовые основы становления тылового ополчения в России (1917–1930 гг.) // Гум. ежегодник. Новосибирск, 2002. Вып. III. С. 92–10
6. Декрет Совета Народных Комиссаров. № 604. О тыловом ополчении. | Проект «Исторические Материалы» istmat.info/node/30705
7. А.Е. Калинин. Правовые аспекты прохождения военной службы по контракту в Вооруженных Силах Российской Федерации… voenprav.ru/doc-993-6.htm
8. ФВДА Фурқат тумани бўлими, 4-фонд, 1-рўйхат,11-иш,9-варақ.

9. АнВДА 94-фонд,1-рўйҳат, 37-иш,8-10-варақ
10. ЎзРМДА, 86-фонд,10-рўйхат, 278-иш, 15-150-варақ
11. ЎзРМДА, 86-фонд,1-рўйҳат, 6483-иш, 62-варақ
12. Конституция (Основной закон) СССР 1936 г. http://cccp.narod.ru/work/book/konst_1936.html
13. Приказ НКО № 020, от 20 февраля 1937 года.
14. Миненков Д.Д. Система тылового ополчения в СССР (1930–1937 гг.) . Новосибирск: НВИ имени генерала армии И.К. Яковлева войск национальной гвардии РФ, 2017. – 236 с